

МУХТАРОВ Бекзодбек

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ҳузуридаги Малака ошириш маркази
кафедра мудири, PhD, доцент

НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙНИНГ МУТАШОБИХ ОЯТЛАР БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF NASIRUDDIN SAMARQANDI'S VIEWS ON MUTASHABIH VERSES

АНАЛИЗ ВЗГЛЯДОВ НАСИРУДДИНА САМАРҚАНДИ НА АЯТЫ «МУТАШАБИХАТ»

Аннотация. Ушбу мақолада XI-XII асрлар Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожланиши, ундаги баҳсли мавзулар, Носируддин Самарқандийнинг калом илмига оид қарашлари ва ўз даврида ихтилофларга сабаб бўлган муташобих оятларни тўғри ва нотўғри талқинлари, аҳли сунна уламоларининг адашган тоифаларга нақлий ва ақлий далиллар билан берган раддиялари ҳамда уларнинг услуби таҳлил этилган. Шунингдек, мазкур масалаларнинг бугунги кундаги ақидавий ихтилофларни олдини олишдаги замонавий аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: Самарқандий, ислом имлари, калом илми, муташобих, ихтилоф, таъвил, оқимлар.

Аннотация. В данной статье рассматривается развитие калама (исламской теологии) в Мавераннахре в XI-XII веках. Анализируются спорные теологические вопросы того времени и взгляды Насируддина Самарканди на калам. Особое внимание уделяется толкованию «муташабихат» (неясных) аятов Корана, вызвавших споры среди богословов эпохи. В статье также рассматриваются методы, используемые суннитскими учеными для опровержения «ошибочных» взглядов с помощью словесных и логических аргументов. В заключение подчеркивается актуальность изучения этих вопросов для предотвращения идеологических конфликтов в современном мире.

Ключевые слова: Самарканди, исламские науки, калам, муташабих, ихтияф, таъвил, течения.

Annotation. In this article, the development of the ilm al-kalam in Movarounnahr of the 11th-12th centuries, its controversial topics, Nasiruddin Samarkandi's views on the ilm al-kalam and the correct and incorrect interpretations of the Mutashabih verses that caused disputes in his time, the refutations of the Sunni scholars to the mistaken categories with verbal and intellectual arguments, and their method are analyzed. Also, the modern importance of these issues in preventing ideological conflicts today is revealed.

Keywords: Samarkandi, Islamic sciences, ilm al-kalam, mutashabih, conflict, ta'wil, sects.

КИРИШ

XI-XII асрлар ислом илмларининг ривожланиши ва улумул Куръон, ҳадис, калом, фикҳ, тасаввуф каби соҳаларга ажралиш даври бўлди. Мазкур ислом илмларининг барча тармоқларида фаолият олиб борган олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида мусулмон дунёси, хусусан, Мовароуннаҳрда илмий ривожланиш кузатилди. Айниқса, минтақада Мотуридийлик таълимоти ва мотуридий уламоларининг фаолияти кенг тарқалиши ҳамда калом илмида ўзига хос мактаблар шаклланишига олиб келди. Бунга бир томондан соф ислом ақидасини инсонларга етказиш, иккинчи томондан эса оддий мусулмонларни муътазила, мужассима, муржиа, мушаббиха каби турли адашган оқимларнинг ақидавий ғояларидан муҳофаза қилиш сабаб бўлган. Адашган тоифаларнинг даъволари ва уларга берилган раддияларга назар солинса, улар, асосан, Куръондаги муташобих оятлар, Аллоҳ таолонинг исм-сифатлари, муташобих сифатлар борасида авж олгани намоён бўлади. Шу боис аксар уламоларнинг ақида илмига оид илмий мероси юқоридаги мавзулар моҳиятини очиб беришга қаратилганини кўриш мумкин.

Мазкур даврда яшаган самарқандлик уламолардан бири – Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Ҳасаний (айрим манбаларда Ҳусайний) Мадиний Самарқандий Ҳанафий (ваф. 556/1161 й.) бўлиб, олимнинг Куръон илмлари (1 та), калом (1 та), фикҳ (11 та), тасаввуф (1 та), луғат (1 та), ваъз (1 та) ва тарих (1 та) каби илм соҳаларига оид жами 17 та асар ёзган. Улар Куръон илмларига оид “ал-Иҳқоқ”, калом (ақида) илмига оид “Фатҳу-л-ғалақ”, луғат илмига оид “Булуғ ал-адаб мин

тахқиқ истиоърат ал-араб”, Балх тарихи ҳақида “ат-Тарих”, ваъз ҳақида китоби, тасаввуф илмига оид “Риёзату-л-ахлоқ”, фикҳ илмига оид “ал-Мабсут”, “ал-Маншур”, “ал-Қонун”, “ал-Вофий”, “Хулосату-л-муфтий”, “Масобиҳу-с-субул”, “Фикҳу-н-нофеъ”, “Жомеъ ал-фатово”, “ал-Мултақат фи ал-фатово” асарлари ҳамда 1 та усул ал-фикҳ илмига оид китоблардан иборат [1:339]. Носируддин Самарқандийнинг илмий мероси турли хил йўналишларга оид бўлиб, ўз давридаги диний-ижтимоий масалаларга ечим беришда муҳим аҳамият касб этган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Калом (ақида) илмига оид “Фатҳу-л-ғалақ” (فتح الغلق – “Ноаниқ нарсаларни очиш”) китоби. Олимнинг тавҳид илмига оид шу номдаги асари мавжудлиги табакот китобларида келтирилган [3:88]. 2020 йилда туркиялик тадқиқотчилар Ўзган Шимшек ва Юсуф Арикканер томонидан ушбу асарнинг Туркиядаги, Сулаймония кутубхонаси, Фотих фондида 3142 инвентаръ рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхаси ва унинг араб тилидаги танқидий матни эълон қилинган. Манба 53 варақдан иборат. Рисола сифатида тайёрланган [6].

Асарнинг қўлёзма нусхаси муқовасида асар номи “Китаб кашф ма иштибах” деб ёзилган. Даври Ҳамидий каталогларида “Китоб кашф ма иштибах аъла-с-сомиъин мина-л-айи вал-ахбар” деб қайд этилган. Бу ном муаллифнинг асар мазмунига оид гапларидан келиб чиқиб берилган бўлса керак. “Изоҳ ал-макнун” асарида “Фатҳу-л-ғалақ фи-т-тавҳид” номи билан зикр қилинган. Шунингдек, Сиғнокий (ваф. 714/1314 й.) “ал-Мустадрок” китобининг тахминан ўн беш жойида муаллиф номини келтириб ўтган. Бу маълумотларнинг барчасидан келиб чиқиб ақтиш мумкинки, Самарқандийнинг калом илмига оид асари сифатида “Фатҳу-л-ғалақ фи-т-тавҳид” назар тutilган.

Мотуридий уламолар таъвил усулини қўллаганларидан сўнг, бу мавзуга бағишланган мустақил китоблар ёзилганлиги маълум ва машҳур. “Фатҳу-л-ғалақ” ҳам мазкур йўналишда ёзилган ва бугунги кунгача етиб келган ягона асарлардан ҳисобланади. Асарда муташобих оятлар, ҳабарий сифатлар ва таъвил талқини кўриш мумкин. Манба кириш, 10 фасл ва бир бобдан иборат. Муаллиф

асарнинг муқаддима қисмида муташобих ва муташобихнинг моҳияти, муташобихни ким билади, ўхшатишни инкор қилиш зарурати, муташобих ибораларни қандай талқин қилиш кераклиги каби масалаларни баён қилади. Оят ва ҳадислардаги муташобихлар талқини ва Аҳли сунна вал-жамоанинг улар борасидаги таъвилларини келтириб ўтади.

Биринчи фасл муташобихлар борасидаги ихтилофлар ҳақида бўлиб, унда таъвилнинг турли даражалари борлиги, уларнинг баъзи талқинлари қабул қилиниши ва баъзилари эса танқид қилингани келтирилади. Самарқандий бу ўринда Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855 й.)нинг одамларнинг таъвил қилишда ҳаддан ташқари узоқ бўлишлари таъкидлаганини келтириб, бунга ботиний тоифасининг Қуръони каримнинг зоҳирий шаклини бузиб, оятларнинг ботиний маъносига тахмин билан фикр билдиргани сабаб бўлгани айтади [6].

Иккинчи фаслда ҳуруфи муқаттаотлар ҳақида сўз боради. Унда баъзи улаомларнинг муташобих оятларга фақатгина ҳуруфи муқаттаотлар киради, деган қарашига Самарқандий қарши чиқиб, Фажр сураси, 22-оятдаги “Роббингиз келди” мисоли билан бошқа муташобих оятлар ҳам борлигини таъкидлаган.

Учинчи фасл муташобих оятлар ва уларнинг маъноларини билиш мумкин ёки мумкин эмаслиги борасида баҳс юритилади. Бу борада кўплаб олимлар Оли Имрон сураси, 7-оятга мувофиқ муташобих оятларнинг маъноси фақатгина Аллоҳ таолонинг ўзига маълум эканини таъкидлагани келтирилиб, унга қарши мазкур оятда зикр этилган “илмни чуқур эгаллаганлар”, яъни олимлар ҳам муташобихларнинг маъносини билишлари мумкинлиги борасидаги фикрлар келтирилади. Аммо Самарқандий биринчи қарашни илгари суриб, муташобихларнинг мутлоқ маъносини фақатгина Аллоҳ таолога ҳалова этиш афзалроқ эканини ҳулоса қилади.

Тўртинчи фаслда ташбеҳни инкор қилувчиларга нақлий ва ақлий далиллар келтирилган. Жумладан, Шўро сураси, 11-оятдаги Аллоҳ таолонинг “Унга ўхшаш ҳеч нарсаси йўқ” ояти махлуқотларнинг сифатларини инкор қилувчилар ҳамда Аллоҳ таолога жисм ва шакл нисбатини берувчиларга раддия бўлиши айтилади. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг исми сифатларидан “ал-Қуддус” (ал-Қуддус

сифатининг маъноси ҳар қандай айблардан холи, нолойиқ сифатлардан пок, мутлақ муқаддаслик ва мутлақ поклик Аллоҳнинг Ўзигагина хос) сифати покликнинг муболағали ҳолати бўлиб, бу кўринишдаги муқаддаслик инсонларнинг сифатлари ва бошқа мавжудотларнинг вафслари олий ҳисобланади. Уни Аллоҳ таолодан бошқа нисбат бериб бўлмайди.

Соғлом ақл эса насс (Қуръон ва суннат) да келган хабарларга мувофиқ, Аллоҳ таолони макон, жисм, жуз, таркиб ва бўлинишлардан олий зот эканини, Унинг Ўзи ягона, ҳеч қандай шериги йўқлиги тасдиқлаши зикр этилади.

Бешинчи фаслда мутавотир ва оҳод хабарлар ҳқида сўз бориб, унда мутавотир хабар илмни вожиб қилиши, ундан бошқа хабарлар эса илмни вожиб қилмаслиги таъкидланади. Шу боис Қуръонда келган муҳкам бошқа хабарлардан кучли экани айтилади. Бу билан муаллиф муташобих сифатлар борасида келган оятларни Аллоҳдан бошқаларга ўхшаштиш жоиз эмаслигини назарда тутди.

Олтинчи фаслда Самарқандий муташобих оятларнинг таъвили ҳақида баҳсга киришади. Бу ўринда Аҳли сунна уламолари икки гуруҳга бўлинади: муташобих оятларга имон келтирган, уларни қабул қилган, аммо уларнинг таъвил қилишга киришмаганлар ва муташобих оятларни таъвил қиладиганлар. Лекин иккинчи гуруҳ вакиллари ўз таъвилларини қатъий деб эмас, балки эҳтимолий деб қабул қилганлар.

Еттинчи фасл Аллоҳ таолонинг янгиланиш ёки янгидан пайдо бўлувчи сифатлардан пок эканига бағишланган. Унда Аллоҳ таолога янгиланиш ва чегаралаш нисбатлари бериш жоиз эмаслиги, агар бундай қилинса, унга макон ва замон чегара қилиниши керак бўлиши, бу эса Аллоҳ таолонинг сифатларига тескари иш экани таъкидланган.

Саккизинчи фаслда муаллиф танзих (поклаш) ва ташбех (ўхшатиш) борасидаги ихтилофларни кетириб ўтади. Унга кўра, одамлар муқаддасилаштириш, поклаш, ташбехни инкор қилишда турли даражалардадирлар. Поклашда муболаға қилувчилар таътил (сифатларни инкор қилувчилар) даражасига етиб бордилар. Улар ботинийлар, файласуфлар. Улар “мавжуд ҳам, йўқ ҳам эмас. Эшитувчи ҳам, эшитмайдиган ҳам эмас”, дедилар. Бу қарама-қарши таътилдир [6].

Аҳли сунна уламолари Аллоҳ таолонинг “Азиз” ёки “Раҳим” каби сифатлари билан инсонларни ҳам сифатлашга эътироз билдирмаганлар. Чунки Қуръони каримда “Эй Азиз! ...” (Юсуф сураси, 88-оят), “Мўминларга раҳимли ...” (Тавба сураси, 128-оят) жумлалари қўлланилган. Лекин уларни бир-бири билан яъни, Аллоҳ таолонинг сифатлари билан у яратганларнинг сифатларини тенглаштириш мумкин эмас. Аллоҳ таоло ўз махлуқотларининг улуғ ва улкан маъноларидан кўра улуғроқдир. Шу боис бундай ташбех, Аллоҳ таолога макон, томон ва жисм таъвилдан узоқ бўлиш зарур.

Тўққизинчи фаслда муташобих хабарларнинг ўзгармаслиги борасида Имом Муҳаммад Шайбонийнинг қарашлари баён этилган. Имом Муҳаммад ўзининг “Китабу-л-касб” асарида муташобих хабарлар аввалида мансух бўлган хабарлар бўлиб, бу билан ихтилофларнинг олди олинган, низолар батараф этилган, ақида ва амаллар борасидаги адашишликдан сақланган, унинг фитна чиқариши асослатирилган ҳамда ботил аҳлининг даъволари йўқотилганини келтириб ўтади [2:156]. Бу Абу Ҳанифа (р.а.)нинг қарашлари бўлиб, у инсонларни муташобих оятлар ҳақида баҳс қилишдан қайтарган, уларни охир оқибат фитнага бошланиши айтиб, уларга имон келтириш ва маъносини Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола этишга буюрган. Бу ўз навбатида мусулмонларнинг соғлом эътиқодини сақлаб қолишга сабаб бўлиб, бу билан ақида борасидаги ихтилофларнинг олди олинган.

Ўнинчи фаслга муаллиф Самарқандий ушбу асарни ёзилиш сабаби ҳақида тўхталиб, олим ушбу масалалар билан танишиш жараёнида Аҳли сунна уламоларининг қарашлари билан бир қаторда ўша даврда бидъатчиларнинг фикрлари ҳам кенг ёйилгани ҳамда уларни олдини олиш учун мазкур илмни ўрганишга эҳтиёж туғилганини таъкидлаган. Шундан сўнг алоҳида бобда муташобих борасидаги хабарларни келтириб уларни бирма-бир шарҳлаб ўтади.

Жумладан, биринчи ҳадис Имом Бухорийдан ривоят қилинган: “Аллоҳ таоло Одамни ўз суратида яратган”, Имом Муслим ривоятда: “Раҳмоннинг суратида...” деб келган ҳадисни келтиради [4,5]. Мазкур ҳадисларни шарҳлаш жараёнида олим Аллоҳ таоло одамни

ўзининг сурати, кўринишида эмас, балки ўзига хос кўринишда яратгани назарда тутилган. Бу билан инсонга берилган ақл, комиллик, шакл каби сифатлар таъкидланган.

Мазкур боб олим 20 га яқин муташобих хабарларни келтириб, уларни маъжозий маънода тушуниш лозимлиги, уларнинг зоҳирига қараб хулоса қилиш жоиз эмаслигини таъкидлаган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Носируддин Самарқандий “Фатҳу-л-ғалақ” асарида ўз даврида ихтилофларга сабаб бўлган муташобих оят ва ҳадислардаги хабарларни бирма-бир изоҳлаб, адашган тоифаларнинг тажнис ва ташбиҳ борасидаги қарашларига раддиялар берган. Бу билан олим инсонларнинг соғлом эътиқодларини сақлаш билан бир қаторда турли ёт ғояларнинг тарқалишини олдини олишга уринган. “Фатҳу-л-ғалақ”да келтирилган масалалар бугунги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этиб, сохта салафийларнинг Аллоҳ таолони маълум маконга хослаш борасидаги қарашларга раддия беришда назарий манба бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо Судуний. Тожу-т-тарожим. – Байрут: Дор ал-қалам, 1992. – Б. 339.
2. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний. Китабу-л-касб. Абдулфаттоҳ Абу Ғудда таҳқиқи остида нашр этилган. – Ливан: Дару-л-башоир, 1997. – Б. 156.
3. Исмоил Пошо ибн Муҳаммадамин Бағдодий. Изоҳ ал-макнун фи аз-зайли аъла кашфу-з-зунун аън асоми ал-кутуб ва-л-фунун. – Байрут: Дор ихё ат-тарос ал-арабий, 2008. – Ж. 2.
4. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. - Байрут: Дар Ибн Касир, 2002. – 6227-ҳадис.
5. Муслим ибн Ҳажжож. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. - Байрут: Дар Тоййиба, 2006. - 2612-ҳадис.
6. Носируддин Самарқандий. Фатҳу-л-ғалақ фит-тавҳид. Қўлёзма. - Истамбул: Туркиядаги Сулаймония кутубхонаси, Фотих фонди. № 3142. – 53 в.
7. Носируддин Самарқандий. Ал-Фикху-н-нофеъ. – Ар-Риёз: Мактаба ал-Абикон, 2000. – Ж. 1-3. – 425. 440. 600 б.
8. Носируддин Самарқандий. Ал-Мултакат фи-л-фатова ал-ҳанафия. – Байрут, Ливан: Дару-л-кутуб ал-илмия, 2000. – 488 б.
9. Носируддин Самарқандий. Риёзату-л-ахлоқ. – Дамашк: 2006. – 348 б.
10. Б.Мухтаров. Носируддин Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари ҳанафий фикҳига оид муҳим манба. // Монография. [Матн]. – Тошкент: Bookmany print, 2022. – 200 б.
11. Özkan ŞİMŞEK. Yusuf ARIKANER. Muhammed b. Yûsuf es-Semerkandî'nin Fetḥu'l-ğalak fi't-tevhîd Adlı Eseri: Değerlendirme ve Tenkitli Neşir // Tasavvur, c. 6 sy. 2 (Aralık 2020).
12. Özel, Ahmet. “Muhammed b. Yûsuf es-Semerkandî”, Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. Erişim 01 Kasım 2020. // <https://islamansiklopedisi.org.tr/semerkandi-muhammed-b-yusuf>